

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНинг ҚАРОРИ

## ДАВЛАТ СОЛИҚ ХИЗМАТИ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТҮҒРИСИДА

Солик интизомини мустаҳкамлаш, солик қонун хужжатларига қатъий амал қилиш, солик тўловларининг бюджетга тўлиқ ва ўз вақтида тушишини таъминлаш, солик ҳақидаги ҳуқуқ бузилишларининг аниқланиши, уларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш устидан давлат назоратни кучайтириш, шунингдек солик органлари фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

(1-банд *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 21 майдаги 98-сонли қарорига асосан ўз кучини ўйқотган — ЎР ҚҲТ, 2010 й., 21-сон, 162-модда)*

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси тизими ходимларининг умумий сони 2000 йил 1 апрелдан бошлаб ўртacha 10 фоизга қисқартирилсин. Қисқартираётган ходимлар ва иш ҳақи фонди Солик соҳасида ҳуқуқ бузилишларга қарши тезкор курашиш бош бошқармасини ҳамда унинг худудий бошқармаларини ходимлар билан тўлдиришга ва мустаҳкамлашга йўналтирилсин.

Давлат солик қўмитаси раисининг беш нафар ўринбосари, шу жумладан бир нафар биринчи ўринбосари, 9 кишидан иборат таркибида ҳайъати бўлишига рухсат этилсин.

(2-банднинг иккинчи хатбоиси *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 21 майдаги 98-сонли қарорига таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2010 й., 21-сон, 162-модда*)

(3-банд *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 6 июлдаги 291-сон қарорига мувоғиқ ўз кучини ўйқотган — Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари тўплами, 2001 й., 13-сон, 88-модда*)

4. Давлат солик қўмитаси марказий аппарати тузилмасида:

Назорат-тафтиш бош бошқармаси ташкил этилсин, унга белгиланган тартибида назорат ишларини амалга ошириш ва хужжатларни текшириш ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш функцияси юклансин;

Режим ва кадрлар бош бошқармаси ташкил этилсин, унинг таркибида Давлат солик хизмати органларида коррупцияга қарши курашиш маҳсус бошқармаси тузиш назарда тутилсин.

(4-банднинг иккинчи ва учинчи хатбоилари *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 8 августдаги 168-сонли қарорига таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2007 й., 31-32-сон, 323-модда*)

5. Белгилансинки:

Назорат-тафтиш бош бошқармаси Давлат солик қўмитаси раисининг ўринбосарига бўйсунади;

(5-банднинг иккинчи хатбоши *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 8 августдаги 168-сонли қарорига таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2007 й., 31-32-сон, 323-модда*)

Режим ва кадрлар бош бошқармаси ўз фаолиятида Давлат солик қўмитаси раисининг режим ва кадрлар бўйича ўринбосарига бўйсунади.

(6-банд *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 21 майдаги 98-сонли қарорига асосан ўз кучини ўйқотган — ЎР ҚҲТ, 2010 й., 21-сон, 162-модда*)

7. Назорат-тафтиш бош бошқармаси ҳамда Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармаси ходимлари учун республика бюджети хисобидан улар лавозим маошининг 20 фоизи миқдорида маҳсус устамалар жорий этилсин.

(7-банд *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 21 майдаги 98-сонли қарорига таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2010 й., 21-сон, 162-модда*)

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси:

икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси тўғрисидаги **Низомнинг** янги таҳририни ҳамда **Солик соҳасида ҳуқуқ бузилишларга**

қарши тезкор курашиш бош бошқармаси, Назорат-тафтиш бош бошқармаси, Режим ва кадрлар бош бошқармаси тўғрисидаги низомларни ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсан;

шу йил 1 майгача давлат солик, хизмати органлари ходимларининг янги кийим-бошини яратиш юзасидан танлов ўтказсин, бунда унга 2001 йилдан бошлаб ўтишини назарда тутсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат солик қўмитаси билан биргаликда Солиқ соҳасида ҳуқуқ бузилишларга қарши тезкор курашиш бош бошқармасига ва унинг худудий бошқармаларига хизмат кўрсатиш учун автотранспорт воситаларига қўшимча лимит ажратиш тўғрисидаги масалани бир ой муддатда ҳал қилсин.

(10-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 21 майдаги 98-сонли қарорига асосан ўз кучини йўқотган — ЎР ҚҲТ, 2010 й., 21-сон, 162-модда)

11. Вазирлар Маҳкамасининг Қурилиш ва қурилиш материаллари саноати комплекси (Исаев) Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги Бухоро ва Фарғона вилоятлари ҳокимликлари билан биргаликда Бухоро ва Фарғона шаҳарларидағи иккита янгидан қурилган касб-хунар коллежларини аниқласин ва уларни икки ой муддатда ушбу коллежлар базасида 2000 йил 1 сентябргача ҳар бири 200 ўринли ихтисослаштирилган солик коллежлари ташкил этиш учун Давлат солик қўмитаси балансига берсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси ва Молия вазирлигининг Бухоро шаҳар ва Самарқанд шаҳар Давлат солик инспекцияларини, шунингдек Фарғона шахридаги Қиргули тумани Давлат солик инспекциясини тугатиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

### 13. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси солик органларини янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1992 йил 20 октябрдаги 483-сон қарори;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» 1998 йил 12 январдаги 14-сон қарорининг 1 ва 3-бандлари, қарорга 1-6-иловалар ўз кучини йўқотган деб хисоблансин.

14. Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси Адлия вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар тайёрласин.

15. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринbosари Б.С.Хамидов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2000 йил 13 март,  
87-сон

(1-илова Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 21 майдаги 98-сонли қарорига асосан ўз кучини йўқотган — ЎР ҚҲТ, 2010 й., 21-сон, 162-модда)

(2-илова Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 8 августдаги 168-сонли қарори билан ўз кучини йўқотган — ЎР ҚҲТ, 2007 й., 31-32-сон, 323-модда)

(2а-илова Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 8 августдаги 168-сонли қарори билан ўз кучини йўқотган — ЎР ҚҲТ, 2007 й., 31-32-сон, 323-модда)

(3-илова Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 6 июлдаги 291-сон қарорига мувофиқ ўз кучини йўқотган — Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2001 й., 13-сон, 88-модда)

(4-илова Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 8 августдаги 168-сонли қарори билан ўз кучини йўқотган — ЎР ҚҲТ, 2007 й., 31-32-сон, 323-модда)

(5-илова Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 8 августдаги 168-сонли қарори билан ўз кучини ийқотган — ЎР ҚҲТ, 2007 й., 31-32-сон, 323-модда)

(6-илова Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 21 майдаги 98-сонли қарорига асосан ўз кучини ийқотган — ЎР ҚҲТ, 2010 й., 21-сон, 162-модда)

(ба-илова Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 21 майдаги 98-сонли қарорига асосан ўз кучини ийқотган — ЎР ҚҲТ, 2010 й., 21-сон, 162-модда)

(бб-илова Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 21 майдаги 98-сонли қарорига асосан ўз кучини ийқотган — ЎР ҚҲТ, 2010 й., 21-сон, 162-модда)

(бв-илова Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 21 майдаги 98-сонли қарорига асосан ўз кучини ийқотган — ЎР ҚҲТ, 2010 й., 21-сон, 162-модда)

(7-илова Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 21 майдаги 98-сонли қарорига асосан ўз кучини ийқотган — ЎР ҚҲТ, 2010 й., 21-сон, 162-модда)

(7а-илова Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 21 майдаги 98-сонли қарорига асосан ўз кучини ийқотган — ЎР ҚҲТ, 2010 й., 21-сон, 162-модда)